

# **Сув омборларини экотизимга таъсири**

**Марузачи:**

**Ф. Гаппаров**

# Сув омборлари ҳавзаси




## Сув омборларини атроф-муҳитига бўладиган таъсирлари

Сув омборлари бошқа ҳар қандай йирик объект каби атроф-муҳитга ўзига хос таъсир кўрсатади. Ҳаво, ер усти сувлари, ер ости сувлари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ландшафт, маданий қадрият ва ёдгорликлар, ижтимоий иқтисодий муҳит каби атроф муҳитнинг барча компонентлари сув омбори таъсирига тушади

Сув омборларини **ҳаво муҳитига** таъсири сув омбори ҳудудида ҳавонинг нисбий намлигини ортиши, ҳаво ҳароратининг ўзгаришида, унинг кундузги ва тунги кўрсаткичлари оралиғининг ортишида, ўта совуқ ва ўта иссиқ кунларнинг камайишида (иқлим юмшайди), ҳавода балчиқ ҳидларини пайдо бўлишида намоён бўлади.

# «Балиқ скелети» схемаси -



## Тупроқ, ер усти ва ер ости сувларига таъсирлар

Сув омборлари қурилиши натижасида ҳудуддаги **ер усти сувлари** гидрологик ва гидрохимик режимлари буткул ўзгаради, яъни сувни сув омборида тўпланиши натижасида дарёнинг қуйи оқимида сув оқимининг мавсумий тақсимланиши ўзгаради, йилнинг сув омборига сув йиғиладиган даврларида қуйи оқимда дарё ўзанида оқаётган сувнинг аксарият қисмини ташлама сувлар ёки зовур сувлар ташкил қилади. Бу даврда дарё сувининг сифати ёмонлашуви кузатилади.

Сув омбори жойлашган ҳудудда сувнинг тупроққа шимилишини ортиши натижасида **ер ости сувлари** сатҳининг кўтарилиши, тупроқдаги тузларнинг эриши натижасида эса грунт сувлари ва зовур сувлари минерализациясининг ортиши рўй беради.

Сув омборидаги сувнинг тўлқинланиши сув омбори қирғоқларини ва унинг бўйидаги унумдор **тупроқларни** ювилишига, эрозион жараёнларни кучайишига сабаб бўлади.

## Ландшафт, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига

Сув омбори тўғони, дамбалари ва унинг косасида сув бўлиши боис ҳудуд **ландшафтининг** буткул ўзгариши юз беради. Кейинчалик қирғоқларнинг ювилиши натижасида ўзгариши ландшафтни янада ўзгаришига, тик ёки ўта ётиқ қирғоқларни пайдо бўлишига олиб келади.

Сув омборлари қурилиши натижасида **ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг** яшаш муҳити тўлиқ ўзгаради. Ҳудудда флора ва фаунанинг сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшовчи турлари пайдо бўлиши, сувсизликка мослашган турлари камайиши ёки йўқолиши юз бериши мумкин. Айниқса сув омбори қуйи бўефида қамиш каби ўсимликларнинг тўқайлари юзага келади. Бу тўқайларда ўзига хос ҳайвонот дунёси истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак ҳайвонот дунёсида ҳам ўзгаришлар юз беради.

# Маданий қадрият ва ёдгорликлар, ижтимоий иқтисодий муҳитга

Иқтисодий ижтимоий муҳитда ўзига хос ўзгаришлар юз беради. Сув омбори жойлашган ҳудудда маълум хўжалик фаолиятини юритган аҳоли ўз турмуш тарзини ўзгартиришига ҳам тўғри келади, яъни аввал чорвачилик ва деҳқончилик билан кун кечирган аҳоли эндиликда балиқчилик ёки дам олиш – ҳордиқ чиқариш соҳасини (масканларини) ривожлантиришлари ҳам мумкин.

Баъзи ҳолларда сув омборларининг сувга тўлдирилиши натижасида **аҳоли пунктлари ва маҳаллий аҳоли учун қадриятли бўлган масканларни сув остида қолиб кетиши юз беради.** Бундай ҳолларда аҳоли уйлари ва қадриятли масканларни бошқа жойларга кўчирилишига тўғри келади.